

На наш взгляд ответы на эти вопросы могут быть найдены в результате комплексного кросс-конфессионального исследования религиозного сознания населения Узбекистана, с участием специалистов в области религиоведения (исламоведения), социологии и психологии. Необходимо на основе имеющегося опыта и моделей исследования, в том числе зарубежных, создать свою кросс-конфессиональную модель изучения религиозного сознания и на её основе провести исследования. Результаты данного исследования будут весьма востребованы как научной средой, так и органами государственной власти.

Список использованной литературы:

1. Выступление Президента Республики Узбекистан на 72 сессии Ассамблеи ООН 19 сентября 2017 года.
2. *З.Абдулагатов*. «Фундаментализм и модернизм в массовом сознании мусульман Северного Кавказа», КГУ, <https://dspace.kpfu.ru/xmlui/handle/net/111074>
3. *Ивлева М.Л., Курилов С.Н., Россман В.И.* Религиозные ценности глазами молодежи: опыт социологического исследования. 2018. Вестник РУДН. http://journals.rudn.ru/sociology_C.481.
4. *Латинова Н.М.* «Особенности влияния национальных традиций на семью». Проблемы современной науки и образования. Москва, 2016
5. *Латинова Н.М., Ганиева М.Х.* «Религия в жизни современной молодежи Узбекистана», «Вестник науки и образования», ч.1. 2019 г., <https://cyberleninka.ru/article/n/religiya-v-zhizni-sovremennoy-molodezhi-uzbekistana>
6. *С.Карасёва*, «Топология религиозности в современной Белоруссии», монография, БГУ, г.Минск, 2018 г., <https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/218739/1/karaseva.pdf>
7. *С.Карасёва, Е.Шкурова, С.Шатравский*, «Характеристики вовлеченности населения Беларуси в религию: мировоззренческий аспект», Вестник ПСТГУ. Богословие. Философия. Религиоведение. 2017 г., <https://cyberleninka.ru/article/n/harakteristiki-vovlechennosti-naseleniya-belarusi-v-religiyu-mirovozzrencheskiy-aspekt>
8. Сборник: «Современные исламские группы и течения на постсоветском пространстве», <https://core.ac.uk/download/pdf/197426465.pdf>



Отабек МУХАММАДИЕВ*

*Имом Бухорий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
директор ўринбосари*

**АЛОУДДИН УСМАНДИЙ –
МОТУРИДИЙЛИК МАКТАБИ
ДАВОМЧИСИ**

**ALAUDDIN UTHMANDI - FOLLOWER OF
THE MATURIDIYYA SCHOOL**

**АЛОУДДИН УСМАНДИ – КАК
ПОСЛЕДОВАТЕЛЬ ШКОЛЫ МАТУРИДИИ**

Калит сўзлар: ҳадис, фикҳ, ақидавий мактаблар, Дор ал-Жузжония, Дор ал-Иёдия, Самарқанд ва Бухоро калом мактаби, ҳанафийлик, калом, ақида.

Keywords: hadith, fiqh (Islamic law), scholars, Dar al-Juzjaniyah and Dar al-Iyadiyah, ghazi, Samarkand and Bukhara Kalam School, Hanafi school, kalam, aqeeda.

Ключевые слова: аренда, обмен, договор, фадхль, приданое, брак, развод, грудное вскармливание, торговля, профессия.

Мотуридийлик Имом Абу Ҳанифа қарашларининг Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944 й.) томонидан ривожлантирилиб, тизимлаштирилган ва асос солинган ақидавий мазҳабдир. Бунга кўра, мотуридийлик ва ҳанафийлик ўртасида жуда яқин алоқа мавжуд. Шу билан бирга мотуридийликнинг асоси ҳанафийлик экани борасида уламолар яқдил фикрдалар. VIII аср бошидан эътиборан ҳанафийлик Хуросон, айниқса, Самарқанддан тортиб Мовароуннахрнинг барча шаҳарларида кенг тарқалган [1: 124-125). Дарҳақиқат, Абу Муин Насафий (ваф. 508/1114 й.) ўзининг “Табсиратул адилла фи усулид дин ала тариқатил Имом Мотуридий” асарида бутун Мовароуннахр, Хуросоннинг Марв ва Балх каби шаҳарларида

*O.Mukhammadiyev – Deputy Director of the Imam Bukhari International Scientific Research Center/

муътазилийларнинг ғояларини ёқлаганлардан ташқари барча Абу Ҳанифа тарафдорларининг усул ва фуруъ масалаларида илк даврдан бери ханафийлик (Ҳанафий-Мотуридийлик)ни қабул қилганликларини келтиради [30: 356].

Насафийнинг юқорида зикр этилган “Бутун Мовароуннаҳр худуди бўйлаб муътазилийлар фикрини қабул қилмаган ханафийлар” деган сўзларидан бу худуддаги ханафийларнинг икки гуруҳга бўлинганликларини тушунишимиз мумкин. Бу икки гуруҳ қуйидагилардир:

1. Ҳанафий-муътазилийлар: Абул Қосим Каъбий (ваф. 319/931 й.) каби амалда ханафий бўлиб, эътиқодда муътазилийларни ёқлаб, ҳимоя қилган ханафийлардир.

2. Муътазилий бўлмаган ханафийлар: Самарқандда Дорул Жузжония ва Дорул Иёдия мактабларига мансублари ҳамда Бухорода Абу Ҳафс Кабир (ваф. 217/832 й.), Балхда Нусайр ибн Яҳё (ваф. 268/882 й.) агрофида бирлашган, муътазилийларни рад қилган ханафийлардир. Бу гуруҳни ҳақли равишда Ҳанафий Самарқанд/Мовароуннаҳр мактаби шаклида номлашимиз мумкин.

Мотуридийликнинг асосчиси сифатида танилган Абу Мансур Мотуридий юқорида зикр этилган Самарқанд мактабига қарашли Дорул Жузжонийда таҳсил олиб, камолотга етишган ва Абу Ҳанифанинг қарашларини умрининг охирига қадар ривожлантириб, тизимлаштирган, кенг ёйишга бор кучини сарфлаган.

Дорул Жузжония Абу Ҳанифанинг ғоя ва қарашларига мувофиқ иш олиб борадиган энг муҳим илм маркази бўлган. Бу ер Абу Мансур Мотуридий ва минглаб талабаларни етиштирган бир мактабдир. Абу Муқотил Самарқандий (ваф. 208/823 й.) томонидан IX асрда асос солинган деб тахмин қилинаётган бу мактаб кейинчалик Абу Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/816 й.) ва Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Субайх Жузжоний (ваф. 268/882 й.) томонидан ривожлантирилган [3: 268-269].

Абу Ҳанифа (ваф. 150/767 й.)нинг таниқли шогирдлари Муҳаммад Шайбоний (ваф. 189/804 й.) ва Абу Юсуф (ваф. 182/798 й.)нинг шогирди Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/816 й.) томонидан асос солинган Дорул Жузжония мактаби Абу Мансур Мотуридийни тарбиялаб, вояга етказган ва кейинчалик унинг ўзи ҳам бу ерда таълим берган муҳим бир илмий марказ бўлган. Ибн Яҳё келтирган маълумотга кўра [5: 160-162), Дорул Жузжонияда устозлик

фаолиятини олиб борган олимларнинг силсиласи қуйидагичадир:

Имом Абу Ҳанифа (ваф. 150/767 й.)



Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (ваф. 189/805 й.)



Абу Сулаймон Мусо ибн Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/816 й.)



Абу Абдуллоҳ ибн Абу Бакр Жузжоний (ваф. 285/898 й.)



Абу Бакр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжоний (ваф. 250/864 й.)



Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёдий (ваф. тахм. 275/889 й.)



Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944 й.)

Юқоридаги устозлар силсиласи Абу Ҳанифа ва имом Мотуридий орасидаги боғлиқликни намоён этмоқда. Айниқса, бу силсилада келтирилган илк уч олимнинг Жузжоний лақабли бўлиши ушбу илмий марказнинг “Дорул Жузжония” номи билан аталишига асосий сабаб бўлганлигига ишонамиз. Бу жойда устозлик қилган олимлар Абу Ҳанифанинг қарашлари бўйича дарс берганлар ва баъзи асарларни ёзганлар [30: 356].

Абу Наср Иёдийдан сўнгра Дорул Жузжониянинг раҳбарлигига унинг энг яхши кўрган ва энг муваффақиятли шогирди Абу Мансур Мотуридий тайинланган [5:162b]. Гарчи у жойда Абу Аҳмад Иёдий ҳам бош устоз вазифасида ишлаган бўлса-да, Абу Аҳмаднинг раҳбарлиги даврида ҳам мактабнинг асл устози доим Мотуридий бўлди. Зеро, Абу Наср шаҳид бўлганида Абу Аҳмад хали ёш бола ва таҳсилни тугатмаган эди [5: 161a-161b]. Мотуридий эса таҳсилни тугатиб, умрининг охирига қадар у ерда дарс берган эди [5: 161b]. Устозининг муҳаббати ва эътиборини қозонган шогирди – Мотуридий келмагунча устози Абу Наср дарсни бошламас, узоқдан унинг келаётганини кўриб, уни мақтай бошларди [30: 359].

Ушбу мақолада Сомонийлар ва Қорахонийлар даврида мотуридийлик таълимотининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ёритилган. Шунингдек, унда Самарқанддаги икки ақидавий мактаб – Дорул-Жузжония ва Дорул-Иёзия ҳақида ҳам сўз боради. Булардан ташқари, мақолада Аловуддин Усмандий Самарқандийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳамда унинг Мовароуннаҳр калом мактаби ривожига ўрни ҳақида баҳс юритилган. Олимнинг асарлари, асар қўлёзмаларининг ҳозирда турли фондларда сақланаётган нусхалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шу билан бирга бугунги Бахмал туманидаги “Усмаот ота” қабристонига дафн этилган олим Аловуддин Усмандий экани ҳақида тарихий фактлар мавжуд.

This article deals with the origin and evolution of the Maturidiyya doctrine under the Samanids and Karakhanids. It also refers to the formation of two theological schools in Samarkand – Dar al-Juzjaniyah and Dar al-Iyadiyah. Besides that, this article tells us the life and scientific heritage of Alauddin al-Usmandi as-Samarkandi, as well as his role in the development of the Mawarannahr Kalam School. There is information about the works of the scholar, as well as copies of the manuscript that are currently stored in world funds. In addition, there is historical evidence that the scholar, who was buried at the «Usmat Ota» shrine in Bakhmal district today, is Alauddin al-Usmandi.

В данной статье рассматривается происхождение и эволюция учения матуридизма при Саманидах и Караханидах, а также образование в Самарканде двух богословских школ - Дар аль-Джузджания и Дар аль-Иядия. Кроме того, в этой статье рассказывается о жизни и научном наследии Алауддина аль-Усманди ас-Самарканди, а также о его роли в развитии школы калама в Мавераннахре. Представлена информация о работах ученого, а также копии рукописи, которые в настоящее время хранятся в мировых фондах. Кроме того, приводятся исторические свидетельства того, что ученым, похороненным сегодня в святыне «Усмаот Ота» в Бахмальском районе, является Алауддин аль-Усманди.

Абу Мансур Мотуридий бу марказда умрининг охиригача кўплаб талабаларга дарс берди [5: 162a]. Дарҳақиқат, Мотуридий Абул Ҳасан Али ибн Саид Рустуфағний (ваф. 350/961 й.) каби шогирдларига Имом Мухаммад Шайбонийнинг “ал-Мабсут”ини ўқитаркан, юз ёшга яқин умр кўриб, вафот этди [5: 162b].

Имом Мотуридийнинг фикрлари Абул Ҳасан Али ибн Саид Рустуфағний, Абу Салама Самарқандий (ваф. тахм. 340/952 й.) ва Ибн Яхё каби олимлар томонидан давом эттирилди [5: 162a]. Бу уч кишидан бири Рустуфағний Мотуридийнинг шогирдидир. Қолган икки киши эса ундан таълим олган икки машҳур олимнинг шогирдларидир. Абу Салама Абу Аҳмаднинг, Ибн Яхё эса Рустуфағнийнинг шогирдларидир. Бу шахслар Мотуридий каби халқ орасида оддий ҳаёт кечиришиб, фикрлашда эса таъвил ва ақлдан фойдаланиш кераклигини ёқлайдилар. Шу сабабли Рустуфағний, Абу Салама ва Ибн Яхё Мотуридийнинг илк вакиллари (издошлари) ҳисобланишади [6: 266].

Абу Мансур Мотуридий вафотидан сўнг Рустуфағний ва Абдулкарим ибн Мусо ибн Исо Паздавий (ваф. 390/1000 й.) каби шогирдлари ҳамда Абу Салама ва Ибн Яхё каби шогирдларининг шогирдлари Мотуридийнинг асарларини ўқидилар, ўқитдилар ва устозлари каби халқ орасида оддий ҳаёт кечириб, таъвилни зарур ҳисоблаб, ақл юритиш/раъйни ёқладилар ва ҳимоя қилдилар.

Ибн Яхёнинг “Шарҳу жумали усулид дин” (Усулид дин жумалари шарҳи) асарида келтирилган маълумотга кўра, Мотуридийдан сўнг Жузжония мактаби фаолияти Рустуфағний томонидан давом эттирилган [5: 162a].

Мотуридийнинг шогирдлари фақатгина унинг фикрларини ўргатибгина қолмасдан, балки унинг асарлари ва кароматларини ҳам бошқаларга етказишган. Абул Йўсур Паздавий (ваф. 493/1100 й.)нинг “Усулуд дин” номли асарида келтирилган қуйидаги маълумот ҳам буни тасдиқлайди:

“Зоҳид имом Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944 й.)нинг Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби асосида ёзилган тавҳид илмига доир бир китобини кўриб чиқдим. Абу Мансур Мотуридий Аҳли сунна вал жамоанинг раисларидан бири бўлган. Шайх ва имом отам ҳамда зоҳид бобом менга шайх ва имом Абдулкарим ибн Мусодан нақл қилиб, унинг кароматлари ҳақида сўзлаб берган эди. Зеро, бизнинг бобомиз ва мазҳабдошларимизнинг китобларини ҳамда шайх имом Абу Мансур Мотуридийнинг “Китобут Тавҳид” ва “Китобут Таъвилот” асарларининг маъноларини яхши ўзлаштирган эдилар” [7: 3].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Жузжония мактаби вакиллари Абу Ҳанифанинг қарашлари ва услубларини ўз холича қабул қилиб, давом эттирган ханафий мазҳабига мансуб кишилардир. Бу мактабнинг энг муҳим ва энг

машхур вакили Абу Ҳанифанинг қарашларини тизимлаштирган Абу Мансур Мотуридийдир.

Дорул Иёдия Х асрнинг бошларида Абу Аҳмад Иёдий томонидан Дорул Жузжониянинг муқобили сифатида Самарқандда ташкил этилгани тахмин қилинади. Фикримизча, бу мактабга мансуб кишилар муташобих оятларнинг таъвил қилиниши ва ақлнинг далил сифатида қўлланилишига қарши чиқишган. Бу икки масалада Аҳли Раъйдан ажралиб, Аҳли Ҳадисга мойил бўлишган. Абу Аҳмад Иёдий ва Ҳаким Самарқандийга нисбат берилган “ас-Саводул аъзам” номли асарга шарҳ ёзган киши ёки кишилар ана шу мактабнинг вакиллари бўлишган деб тахмин қиламиз. Бундан келиб чиқадики, Самарқандда Дорул Иёдияга мансуб уламолар Сомонийлар давлатининг қулашига қадар ўртага чиққанлар. Бу гуруҳга Сомонийларнинг амирлари билан яхши алоқада бўлган Ҳаким Самарқандий ва Абу Бакр Иёдий каби олимларни киритиш мумкин.

Бу мактаб вакиллари сифатида Абу Бакр Иёдий (ваф. 361/971 й.) ва укаси Абу Аҳмад Иёдийларни кўришимиз мумкин. Мотуридийнинг замондоши ва Самарқанднинг энг кўзга кўринган олимларидан бири Абу Бакр Иёдий халқ томонидан севилиб, унинг ҳурмат-эътиборини қозонган киши эди. “Шарҳу жумали усулид дин”да келтирилган ривоятга кўра, Абу Бакр Иёдий вафотидан сўнг у ҳақида фақиҳ Абдуссамад ибн Аҳмад Арбинжоний Мотуридийнинг қуйидаги сўзини нақл қилган: “Диний илмлар ва ҳукмларни ўргатиш борасида бу умматнинг олимлари Аллоҳ томонидан юборилган пайғамбарлар кабирлар. Ўтмишда бир пайғамбарнинг даври тугаб, ечилиши лозим бўлган масалалар юзага чиққанида уни ечадиган бир олим қолмаганида янги бир пайғамбар юборилгани каби, бу умматнинг ичида ҳам ҳар бир асрда вафот этган фақиҳларнинг ўрнига ё янги бир олим келади ёки қиёмат қоим бўлиши керак бўлади; чунки Аллоҳ инсонларни йўлбошчи (ҳидоят)дан маҳрум қолдириши мумкин эмас” [5: 18b-19a].

Абу Бакр Иёдийнинг таъзиясида Мотуридий номининг зикр этилиши ва юқорида келтирилган сўзининг нақл қилиниши Мотуридийнинг Самарқанд мактабида жуда муҳим бир мавқега эга эканлигини кўрсатади. Шунингдек, бу ёзув IV/X асрнинг 2-ярмида содир бўлган баъзи бир сиёсий тўсиқларга қарамай, унинг номи ва ғоялари кенг жамоатчилик томонидан қабул қилингани ва жамиятда ўз аксини топганлигини ҳам кўрсатади.

Кафавийнинг таъкидлашича, Насаф вилоятдан таниқли фақиҳлар гуруҳининг Самарқанддаги

муваффақиятли ижтимоий-сиёсий ва илмий фаолияти ровий (етказувчи)ларнинг жорий силсиласининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатди. Садрул ислом Абул Йўсур Муҳаммад ибн Муҳаммад Паздавий Насафий (ваф. 493/1100 й. Бухоро), укаси шайх, имом зоҳид Фаҳрул ислом Абул Ҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдул Карим Паздавий Насафий (ваф. 482/1089 й. Кеш) ҳамда Абу Муин Маймун ибн Муҳаммад Макҳулий Насафий (ваф. 508/1115 й.)лар Жанубий Суғд уламолари анъаналарини ўзларига мерос қилиб олиб, уни Самарқанд муҳитига олиб келдилар.

Абул Йўсур Абу Мансур Мотуридий силсиласини хатиб Абу Иброҳим Исмоил ибн Абдуссодиқ ибн Абдуллоҳ Ниязавий (ваф. 494/1101 й.) (Насафий, 702) ва ўз отаси Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдул Карим Паздавий орқали давом эттирди (Hans Peter Linss, 1991: 155). Бу силсила аслида ички оилавий бир силсила ҳисобланади: Абул Йўсур ва Фаҳрул ислом Паздавийларнинг бобоси – Абу Муҳаммад Абдул Карим ибн Мусо ибн Исо Паздавий (ваф. 390/1000 й.)нинг Абу Мансур Мотуридийдан фикҳ ва калом соҳалари бўйича таҳсил олган эди [30: 444-445]. Бу анъана сақланиб қолган ва давом этган эди. Бундан ташқари, Абул Йўсур қози Али ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Суғдий (ваф. 461/1068-69 й.) орқали Ҳаким Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Куфинийдан ҳадис ривоят қилган [30: 551].

Абу Муин Насафий ҳақида Кафавий жуда муҳам фикр билдиради. Мотуридийликнинг қайта жонланиши силсилада унинг номи зикр қилинмасда, яқин Шарқ мамлакатларида Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Жаъфар Балхий (ваф. 548/1153 й.), Бурҳониддин Али ибн Ҳусайн Балхий (ваф. 547/1152 й.) ва бошқалар каби Абу Муин Насафий номидан мўътабар манбаларни ривоят қилган шогирдлари бўлганлиги бизга маълум. Унинг мотуридийлик асосларига доир учта китоби маълум – “Табсиратул адилла фи усулид дин” (Дин асослари далилларнинг баёни) (500/1106 йилда Бухорода ёзилган), “ат-Тавҳид ли қоваид ат-тавҳид” (Тавҳид қоидаларига муқаддима) ва “Баҳрул калом” (Калом илми денгизи). Бу ихтилофнинг сабабларини Абу Муин Насафийнинг Абул Йўсур Паздавий шогирди бўлиб, бу силсилани давом эттирганлигида кўриш мумкин. Иккинчидан, уни Абу Мансур Мотуридий билан боғловчи силсила бунинг оилавий бир анъана эканлигига далолат қилади. Унинг аждоди Абу Мутиъ Макҳул ибн Фазл Насафий (ваф. 318/930 й.) Мотуридий таълимотини оилавий мерос ўлароқ

қабул қилиб олганди. Бундан ташқари, Абу Муин Насафий бошқа силсилага ҳам эга эди [10: 52]. Мисол учун, у фақиҳ Нусайр ибн Яхё Балхий (ваф. 268/881-82 й.) орқали Абу Ҳанифа номидан “ар-Рисола ила Усмон Баттий” матнини куйидаги силсила орқали ривоят қилганди: Нусайр – Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад Фарисий (ваф. 335/947 й.) – Абу Саъд Муҳаммад ибн Абу Бакр Бустиӣ – Абу Солиҳ Муҳаммад ибн Ҳусайн Самарқандий – Абу Закариё Яхё ибн Мутарриф Балхий – Абу Муин Насафий [11: 24-25].

Фахрул ислом (ислом динининг фаҳри) номи билан машҳур Абул Ҳасан Паздавий Самарқандда таълим бериб, ҳанафий фикҳига доир муҳим китоблар ёзган [30: 554-555]. Улар орасида усулул фикҳга доир “Канз ал-вусул ила маърифат ал-усул” (Усулни тушуниш учун васллар хазинаси ёки Усули Паздавий) асарини алоҳида қайд этиш жоиз. Бироқ унинг исноди Кафавийга номаълум бўлиб қолгани боис, натижада унинг таржимаи ҳоли “Мутафаррикот” (турли масалалар) бўлимига киритилди.

Бу уч олимнинг Насафдан пойтахт Самарқандга кўчиб келиши ҳанафий таълимотининг ривожланиш йўналишини сезиларли даражада ўзгартирди. Улар шофиъий-ашъарийларнинг Ҳанафий таълимотига қарши таъна (хужум)ларини қайтаришда катта рол ўйнашди. Уларнинг каломга доир асарларида асосий хужум ашъарийларга қарши қаратилган [12: 2]. Улар фаолиятининг асосий натижаси Абу Мансур Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” ва “Китоб ат-таъвилот” [12: 3] номли асарларида акс этган таълимотни тартибга солиш ҳамда мотуридийликнинг бутун ҳанафийлик мазҳабининг ақидавий таълимотига айлантиришдан иборат бўлди.

Айнан шу даврга келиб Абу Мансур Мотуридий шахси идеаллаштирила бошланди. Унга “Ҳақ йўл имоми” (Имом ал-ҳуда) ва “Икки оқим (ҳанафийлар ва ашъарийлар) йўлбошчиси” (Қудват ал-фарикайн) каби фахрли номлар берилди. Чокардиза қабристонидagi қабри устига макбара қурилиб, қабр тоши қўйилди. Худди шунингдек, бу иш Абул Қосим Ҳаким Самарқандий, Абул Ҳасан Рустуфағний ва Абу Салама Самарқандий (ваф. тахм. 340/952 й.) каби илк асрнинг бошқа етакчи илоҳиётчилари учун ҳам амалга оширилади. Қабристоннинг ўзи эса шаҳарда ҳурматли зотлар дафн этиладиган “Муқаддас жой” га айланади.

Уламолар орасида катта обрў эътибор қозонган Абул Йуср Паздавий Самарқанднинг қози ал-қузот лавозимида тайинланади [30: 703-704]. Аммо

481/1088-89 йилда Маликшоҳнинг Мовароуннахр ишларига аралашуви Самарқандда ушбу олимлар гуруҳининг муваффақиятига чек қўяди. Натижада Фахрул ислом Паздавий Кешга сургун қилиниб, ўша йили ўша ерда вафот этди. Абул Йуср эса Жумадул ула 481/1088 август-сентябрда (Маликшоҳнинг салжуқий кучлари Самарқанд қалъасида ҳокон Аҳмад ибн Ҳизрни қамал қилганида) ҳали пойтахтда қолганди [12: 259].

Кейинчалик Абул Йуср ва Абу Муин оила ва шогирдлари билан Бухорога кўчиб ўтишди. Бир гуруҳ уламолар, айниқса, мазкур икки илоҳиётчи олимнинг шогирди Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандийнинг кўчиб ўтиши мотуридий таълимотининг бухоролик илоҳиётчилар орасида тарқалиши ва кейинги муваффақиятларида катта рол ўйнаган эди. Мисол учун, Абу Ҳанифанинг “ар-Рисола ила Усмон Баттий” (Усмон Баттийга хат) асарининг ривоят қилинишида кейинги авлод Бухоро илоҳиётчилари куйидаги иснодга таянишади: Абу Муин Насафий (ваф. 508/1114 й.) – Алоуддин Самарқандий – Зиёуддин Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Насир Наусухий – Бурҳонидин Марғиноний – Шамсулаимма Муҳаммад ибн Абдуссаттор Кардарий (ваф. 642/1244 й.) – Ҳофизиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср Бухорий (ваф. 693/1294 й.) – Ҳусомиддин Сиғнакий (ваф. 711/1311 й.дан кейин) [11: 24]. Айнан уларнинг номлари орқали Бухоро илоҳиётчилари ҳанафий мазҳабининг муҳим ақидавий матнларини кейинги авлодга етказишган (узатишган) ва кейинчалик ўзлари ҳам мотуридийлик каломига оид асарлар туза бошлашган. Бунда биринчи навбатда, Нуриддин Собуний ва Иброҳим Саффор каби ва бошқа олимларни зикр қилиш жоиз.

Мумтоз даврда Самарқанд ҳанафийлари илоҳиёт таълимоти (Жузжония)нинг жонланиши Абу Муин Насафий, Абул Йуср Паздавий, Абу Шакур Солимий, Алоуддин Самарқандий каби олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан янгира – Мотуридийлик кўринишида кўзга ташланади. XII асрга келиб, Абу Ҳафс Насафий томонидан “ал-Ақоид” асарининг яратилиши мотуридийлик таълимоти тарихида муҳим воқеа бўлди. Унда бу таълимотнинг қоидалари янги тартибда йўлга қўйилганди. Охириги пайтларда Насафийнинг ашъарий Абу Ҳомид Ғаззолий асарлари билан яқиндан таниш бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар маълум бўлмоқда (№3907). Ашъарий илоҳиётчи олими Саъдуддин Тафтазонийнинг “Ақоид ан-Насафий”га ёзган шарҳи мотуридийлик ва

ашъарийлик таълимотининг яқинлашиши ва илоҳиётдаги “мактаборлик”нинг бошланишини ифодалайди. Ақидавий асарларнинг кўп яратилганига қарамай, Мовароуннаҳрда илоҳиёт соҳасида сусллик кузатилади. Бу ҳолат Самарқанд ва Бухорога ташриф буюрган Фахриддин Розий (ваф. 606/1209 й.) томонидан ҳам таъкидланган. Бунинг сабабларидан бири диний масалаларнинг муҳокамалари фуқароларнинг ижтимоий ҳаёт ҳақиқатларидан тобора кўпроқ узоқлаштирилганлигида кўринади. Бу даврда яратилган “ал-Мухтасар фи баён ал-эътиқод” асарда бидъат ва дунёвий хурофотлар масалаларини муҳокама қилишга қаратилган ҳаракатлар кузатилади [14: 2].

Сомонийлар ҳокимиятининг инқироzi иқтисод ва сиёсат соҳасидан ихтилоф ва гумон таъкиби шаклида илоҳиёт соҳасига кўчди. Фикримизча, айнан ана шу воқеа-ҳодисалар илоҳиётнинг заифлашуви ва кўпчилик мактаблар аъёнларининг тугатилишига олиб келди.

Қорахонийлар даврида Мовароуннаҳр ханафийларининг Хуросон Аҳли ҳадис ва шофийларига қарши рақобати XI-XII асрларда ханафийлар ижодий ишларининг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Ашъарий илоҳиётчи олими Саъдуддин Тафтазонийнинг “Ақоид ан-Насафий”га ёзган шарҳи мотуридийлик ва ашъарийлик таълимотининг яқинлашишини ифодалайди.

Мотуридийлик таълимотининг шаклланишига ҳисса қўшган кейинги авлод вакилларида ўз даврининг етук мутакаллим ва фақиҳ олими – Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий Самарқандийни зикр этишимиз мумкин.

Олимнинг тўлиқ исми – Абул Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн Усмандий Самарқандий бўлиб, туғилган ва вафот этган йили ҳақида манбаларда турли маълумотлар келтирилган. Баъзи манбаларда “Аллома 408/1017 йилда Самарқандда туғилиб, 502/1109 йилда шу ерда вафот этган” [15: 642] – деб келтирилса, кўпчилик манбаларда “У 488/1095 йили Самарқанд қишлоқларидан бири “Усманд”да таваллуд топиб, 552/1157 йилда 64 ёшида вафот этган” [16: 74] – дейилади.

Табақот асарларида Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн ал-Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Ҳамза Усмандий, Самарқанд аҳлидан бўлиб “Оламнинг устуниси” (“ал-Ало ал-олам”) сифати билан машҳурдир [17: 156], деб келтирилади.

Ёзма манбаларда аллома туғилиб ўсган жойнинг “Асманд” (Ҳамавий Ё.) ёки “Усманд” [17: 156] деб номланиши билан боғлиқ кўпгина ихтилофлар мавжудлиги келтирилган. Баъзи олимлар бу жой “Асманд” деб номланган ва алломанинг нисбати Асмандий бўлган, деб келтиришса, бошқалари қишлоқнинг номини “Усманд”, яна баъзилари эса “Саманд” шаклида баён этганлар.

Алломанинг отаси – Абдулҳамид ибн Умар Усмандий Самарқанднинг етук олимларидан саналиб, сўзга чечанлиги ва моҳир ваъзхонлиги билан ҳам халқ орасида танилган. Тўлиқ исми – Абу Муҳаммад Абдулҳамид ибн Умар ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Ҳамза ибн Тоҳир Усмандий бўлиб, манбаларда унинг фақат исми ва у ривоят қилган ҳадисгина ёзиб қўйилган. Унинг бирор мансаб эгаси ёки ўз даврида мавқеи қандай бўлгани, ҳаттоки туғилган ёки вафот этган йиллари ҳақида ҳам бирорта маълумот келтирилмаган [19: 74].

Алоуддин Усмандийнинг ҳаёти ва илмий мероси асосан хорижлик олимлар, жумладан, немис олими – Карл Броккельман [15: 642], турк олими – доктор Муҳаммад Саид Узерварли [20], араб олимлари – Муҳаммад Закий Абдулбарр, Шайх Аҳмад Фарид Мазидий [22], Доктор Навзат Содик Сулаймон [23], Доктор Абдурраҳмон ибн Муборак Фараж, Шайх Али Муҳаммад Муъавваз ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмавжуд томонларидан ўрганилган [25].

Ёзма манбаларда Алоуддиннинг ҳаёти ҳақида жуда кам маълумотлар келтирилган. Фақат унинг 64 йил умр кўриб, 552/1157 йилда (баъзи манбаларда Бухорода) вафот этганлиги қайд этилади [20: 19], холос.

Аксар тарихчи олимларнинг асарларида алломанинг илм талабида кўплаб мамлакатларга сафар қилганлиги ҳақида ҳам қайд этилади. Абу Саъд Абдулкарим Самъонийнинг таъкидлашича, Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристоний аллома билан Марвда бир неча бор учрашган. Бундан ташқари, Усмандийнинг Абу Ҳафс Нажмиддин Умар Насафий, Абу Муин Насафий, Алоуддин Самарқандий ва Нуриддин Аҳмад ибн Маҳмуд Собуний каби мотуридия мазҳабининг йирик намояндalари билан ҳамаср бўлиб яшаганлиги ҳақида келтирилади.

Таниқли араб олими Абулвафо Қураший ўзининг “ал-Жавохир ал-музйяа фи табақот ал-ҳанафийя” асарида келтиришича, аллома 552/1157 йилда Бағдодга Шамс ибн Ҳисом ибн Бурҳон билан биргаликда муборак ҳаж ибодатини адо этиб қайтган [17: 114].

Шубхасиз, Алоуддин Усмандий ўз даврининг кучли фақиҳи, мутакаллими ва мунозарачи олими бўлган. Буни ўша даврининг олимлари ҳам юксак эътироф этишган. Жумладан:

Сафадий: “Аллома кучли фақиҳ, етук мунозарачи олим бўлиб, *илму-л-хилоф* бўйича асарлар ёзган” деб таъкидлаган.

Суютий эса: “Кучли мунозарачи фақиҳ бўлиб, жадал илмида ўта қобилиятли эди. Кўзга кўринган мунозарачилардан бўлиб етишди, тафсир имло қилаётганди” – деб ёзган.

Ибн Қутлубуғо: “Фазилатли фақиҳ, мунозарачи олим бўлиб, бир неча жилдик “*Таълиқ*” асари муаллифи эди” – деб таъкидлаган.

Самъонийнинг ўғли: “Аллома сўз устаси бўлиб, *илму-л-хилоф* бўйича асар ёзганди. Абул Ҳасан Али ибн Умар Харротдан ҳадис эшитганди. Уни бир неча бор Самарқандда учратгандим, бир мартасида: “Марвга Қози Арсубандийнинг кўришни ихтиёр қилиб келгандим, жойида йўқлиги учун отанг Абул Музаффар дарсига қатнашдим ва қўйни гўштга ҳисоблаб сотиш масаласини сўраб олдим ва Марвдан жўнаб кетдим” – деганди.

Отам Абул Музаффар ундан ҳадислар эшитганди, Ҳижоз ва ҳаж зиёратидан қайтаётиб Марвга етганида унга ҳадислар ўқиб бердим” – деб зикр қилган.

Манбаларда келтирилишича, аллома фикҳ илмини устози Ашраф ибн Муҳаммад Алавийдан олган. Имом Ашраф Алавий эса фикҳ бўйича таълимни отаси Абул Ваззоҳ Муҳаммад Алавийдан, у эса отаси Абу Шужоъ Алавийдан олган ҳамда ундан ҳадис ривоят қилган.

Самъоний “аз-Зайл” асарида зикр қилишича, у ҳақда Марв қозиси Қози Муҳаммад ибн Утба Сойиғий ривоят қилган [17: 177]. Имом Ашраф Алавийнинг отаси Самарқанддаги Қусам ибн Аббос розияллоху анху мадрасасида таҳсил олган. Ҳижозга сафар қилиб, Бағдодга хожи бўлиб келган ва Самарқандга қайтиб умрининг охиригача дарс бериш ва илми ёйиш билан шуғулланган. 491/1098 йилнинг шаввол ойида 54 ёшида вафот қилган ва Самарқанддаги машхур “Чокардиза” қабристонига дафн этилган.

Аллома Усмандий ҳадис борасидаги илмларини “Садр аш-шаҳид” лақаби билан машхур бўлган Ҳусомиддин Умар ибн Абдул Азиз ибн Моза Бухорий [26: 29] дан ўрганган. Аллома устозининг “Шаҳид” деб номланишига сабаб, 536/1141 йил Султон Санжар ва қорахитой Гурхон орасида рўй берган “Қатавон” жангида қатнашиб, унда Султон Санжар мағлубияти туфайли душман қорахитой

Гурхон қўлидан вафот топади [27: 534]. Шу сабабли, у шаҳидлик мартабасига эришади. Ушбу жангда уламолардан бир жамоаси ўлдирилган бўлиб, аксар олимлар томонидан уларга “шаҳид” даражаси берилган. Ҳисом аш-шаҳид, Садр аш-шаҳид, Саффор аш-шаҳид [16: 375] қабилар шулар жумласидандир.

Шунингдек, манбаларда алломанинг Али ибн Умар Харротдан ҳадис тинглаганлиги ҳақида келтирилади.

Алоуддин Усмандий қатор исломий илмларда, айниқса, фикҳ, ҳадис ва калом илми, шунингдек, турли мазҳаблар ўртасидаги ихтилофларни ўрганадиган махсус соҳа ҳисобланган *илму-л-хилоф* бўйича етук олим ҳисобланган. У мазкур соҳалардаги илм аҳллари орасида бўладиган баҳс ва мунозараларда ўзининг чуқур билими, беназир иқтидори ва фавқуллода салоҳияти билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам у илм аҳли орасида “ал-Ало ал-олам” [17], (“Оламнинг устунни”), “ал-Ало” (“Устун”), “ал-Ало ас-Самарқандий”, “Алоуддин” (Кафавий, №91) (“Диннинг устунни”) каби юксак номлар билан машхур бўлган.

Манбаларга таяниб комил ишонч билан айтиш мумкинки, аллома тарбиялаб вояга етказган шогирдларининг энг машхури – Абул Музаффар Жамол Ислоҳ Асъад Каробисийдир. Табақот асарларида, жумладан, Қураший ўзининг “ал-Жавохир ал-музйя фи табақот ал-ҳанафийя” (“Ҳанафийлар табақасига мансуб олимлар ҳақида ёрқин жавохирлар”), шунингдек, Ибн Қутлубуғо ўзининг “Тоҷ ат-тарожим” (“Таржимаи ҳолларнинг тожи”) асарида келтирилишича, алломанинг тўлиқ исми – Асъад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Каробисий, лақаби – “Жамол ал-ислоҳ” бўлиб, у “ал-Фурук фи ал-масоил ал-фирақия” (“Фирқалар ҳақидаги масалалар ўртасидаги фарқлар”) асари муаллифидир. У фикҳ илмини Алоуддин Усмандий Самарқандийдан, Саййид Ашраф ва унинг отаси Абул Ваззоҳ ҳамда унинг отаси Саййид Абу Шужоъдан олган.

Бошқа манбаларда унинг тўлиқ исми – Шайх имом Жамолиддин Абул Музаффар Асъад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Каробисий Нишопурий¹ шаклида келтирилади.

¹Умар ибн Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил Шайхул-Ислоҳ Низомуддин Фарғоний Марғиноний – “ал-Ҳидоя” асари муаллифи Бурхониддин ал-Марғинонийнинг ўғли бўлиб, дастлабки илми ўз отасидан олган. Илмий меросини “ал-Жавохир ал-фикҳ” (“Фикҳ илми жавохирлари”), “ал-Фавоид” (“Фойдали нарсалар”) каби асарлари ташкил этади. Ўз даврининг машхур муфтийларидан бири бўлган.

Манбаларда машхур “Ҳидоя” асарининг муаллифи, буюк фақиҳ Бурхониддин Марғиновичнинг (1123-1197) ўғли Шайху-л-Ислом Низомуддин Умар ибн Шайху-л-Ислом Бурхонуддин Али ибн Абу Бакр [28], ал-Марғинович [29: 58] алломадан фикҳ илмидан таҳсил олганлиги ҳақида келтирилади.

Машхур тарихчи Абдулкарим ас-Самъоний (1113-1167) ўзининг “ал-Ансоб” (“Насабнома”) асарида “Ўғлим Абул Музаффар (ваф. 1217 й.) ундан (Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандийдан ҳадис эшитган” [17], деб келтиради. Бундан алломанинг ҳадис илмини ҳам чуқур эгаллаган ва ҳадис ровийси ҳам бўлганлигини англасак бўлади.

Манбаларда Сирожиддин Ўшийнинг Алоуддин Усмандийдан буюк ватандошимиз – Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг “Жомий ат-Термизий” асаридан таҳсил олганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Манбаларда Асют (Миср)да ўз даврининг машхур қозиси бўлган бу олим ҳам алломадан фикҳ илми бўйича таҳсил олганлиги келтирилган.

Бундан ташқари, манбаларда келтирилишича, Абу Муқотил Ҳафс ибн Саҳл Ғозий, Наср ибн Абу Абдулмалик Аткий, Самарқандда қозилик қилган – Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанталий, Шарик ибн Абу Муқотил, Маъруф ибн Ҳассон, Юнус ибн Сабих Самарқандийлар ҳам аллома Алоуддин Усмандий Самарқандийнинг шогирдлари бўлишган [25: 30].

Алоуддин Муҳаммад Усмандий биз авлодларга улкан илмий-маънавий мерос қолдирган бўлиб, уларнинг ҳаммаси араб тилида ёзилган.

Қуйида алломадан бизгача етиб келган бой илмий-маънавий мерос намуналари ҳақида қисқача тўхталамиз:

1. “Ҳаср ал-масоил ва қаср ад-далоил” (“Муайян масалалар ва қисқа далиллар”). Бу асар Нажмуддин Умар Насафийнинг “ал-Манзума фи илм ал-хилоф” номли китобига ёзилган шарҳ бўлиб, унинг учта қўлёзма нусхаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасида сақланади. Алломанинг ушбу асарига қўплаб шарҳлар ёзилган. Имом ас-Суғдий, Абу-л-Мафохир Муҳаммад ибн Маҳмуд ас-Судайсий томонидан ёзилган шарҳлар шулар жумласидандир (Насафий У., 4).

2. “Тарикат ал-хилоф фи ал-фикҳ байн ал-а’имма ал-аслоф” (“Ўтган алломалар ўртасида фикҳ илмидаги ихтилоф йўллари”) асарида фикҳ илмида фаолият кўрсатган қўплаб олимларнинг қарашлари ва фикр-мулоҳазаларидаги ихтилофларни баён қилган. Ушбу қимматли асар мисрлик тадқиқотчи

олим Муҳаммад Закий Абдулбарр томонидан тадқиқ этилиб, 1990 йилда Қоҳирадаги “Дор ат-турос” матбаасида нашр этилган. 1992 йилда эса Шайх Али Муҳаммад Муъавваз ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмавжуд каби олимлар томонидан тадқиқ қилиниб, Ливан (Байрут)да “Дор ал-кутуб ал-илмийя” матбаасида нашр этилган.

3. “Базл ан-назар фи ал-усул” (“Фикҳ асосларига чуқур назар”). Бу асар ҳам мисрлик тадқиқотчи олим Муҳаммад Закий Абдулбарр томонидан илмий тадқиқ этилиб, 1992 йилда, аввалги асар сингари, Қоҳира шаҳридаги “Дор ат-турос” матбаасида чоп этилган.

4. “Олабий” номи билан машхур “ат-Таблика фи ал-фикҳ” (“Фикҳ илмида изоҳ”) номли асари фикҳ илмининг фуруъ (тармоқлари) масалаларига бағишланган бўлиб, қатор муаллифларнинг ёзишича, у бир неча жилдан иборат йирик асардир.

5. “ал-Амолий фи ат-тафсир” (“Тафсир илмида имло қилинган масалалар”) ёзма манбаларнинг далолат қилишича, алломанинг бу асари Куръони каримга бағишланган тафсир ҳисобланади [17].

6. “Мухталаф ар-ривоя” (“Ривоятларнинг турлилиги”) бу асар фикҳ илмига оид асардир. Мисрнинг “Дор ал-кутуб ал-Мисрийя” кутубхонасидаги Ҳанафий фикҳи бўлимида 1815-рақамли қўлёзманинг 41789-рақам остида сақланаётган микрофильм нусхасида: “Мухталаф ар-ривоя” Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Ҳусайн ибн Ҳасанга тегишли” деб ёзилган. Асарнинг дастлабки бетлари йўқ. Яна бир бошқа нусхаси эса Мисрнинг “Мустафо Фозил” кутубхонасидаги Ҳанафий фикҳи бўлимида 119-рақамли қўлёзманинг 8356-рақамли микрофильм нусхаси сақланмоқда.

7. Ҳанафий мазҳабига оид “ал-Муътариз ва ал-мухталиф” (Атобикий, 1972) асари.

8. Абу-л-Лайс Наср ибн Муҳаммад Самарқандийнинг ханафий фуруъул фикҳи (фикҳ илми тармоқлари)га доир “Уйун ал-масоил” китобига шарҳ.

9. “ал-Фавоид ал-Алоийя” асари.

10. Шайх Нуруддин Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Собуний ал-Ҳанафийнинг “Ҳидоя мин усул ал-эътиқод ва илм ал-калом” асарига шарҳ [25: 30].

11. “Лубоб ал-калом” (“Калом илмининг жавҳари”) асари.

12. “Шарҳ Жомий ал-кабир” – Муҳаммад Шайбонийнинг “Жомий ал-кабир”ига шарҳ ханафий фикҳига оид асар бўлиб, ҳозиргача тўртта нусхаси етиб келган. Бир нусхаси Тошкентда

Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 5558 рақами остида, қолган учта нусхаси Саудия Арабистонидаги Подшоҳ Файсал илмий тадқиқотлар марказида 1956-ф, 1962-ф, 2254-ф- инвентар рақамлари остида сақланмоқда;

13. “Мийзон фи усул ал-фиқҳ” (“Усул ал-фиқҳда мезон”) асари. Асар уммонлик тадқиқотчи олим Доктор Навзат Содиқ Сулаймон томонидан ўрганилиб, 2009 йилда “Дор Дажла” нашриёти томонидан нашр этилган.

14. “Таълиқ ʼала ал-мутававал фи ал-хилоф” асари қиёсий ҳуқуқшуносликка оид асар бўлиб, Мисрдаги Араб қўлғезмалари институти кутубхонасида 1024 рақам остида сақланмоқда.

Манбаларда алломанинг турли соҳалар бўйича йигирмага яқин асарлар ёзгани қайд этилади. Ҳозирда уларнинг қўлғезма ва микрофильм нусхалари дунёнинг қатор кутубхоналари асосан, Туркия, Миср ва Саудия Арабистони қўлғезма фондларида сақланмоқда.

Алломанинг “Лубоб ал-калом”, “Тарикат ал-хилоф байна ал-аслаф”, “Мийзон ал-усул фи ал-фиқҳ” ва “Базл ан-назари фи ал-фиқҳ” каби асарлари бизгача етиб келган ва асосан Туркия, Миср ва Уммон тадқиқотчи олимлари томонидан батафсил ўрганилиб, нашр этилган.

Алломанинг калом илмига доир шоҳ асари – “Лубобул калом” деб номланган бўлиб, юқорида зикр этилганидек, тадқиқотимиз жараёнида мазкур асарнинг икки қўлғезма нусхасини топишга муваффақ бўлдик [32: 228].

А. Бу икки нусхадан бири Сулаймония кутубхонасида, Қора Чалабий зода бўлимида 347 рақами билан қайд қилиб қўйилган мажмуа таркибида мавжуд. Мазкур мажмуа ичида биз қўйидаги асарларни ҳам учратдик:

1. Нуриддин Собуний қаламига мансуб “ал-Кифоя минал ҳидаая” (1^а-81^а)

2. “Лубобул калом” (82^а-152^а) – Усмандийнинг калом илмига доир шоҳ асаридир.

3. Ўшийнинг “Қасидатул амолий”си (153^а-156^б)

4. Бор йўғи икки вароққа ёзилган бошқа бир қасида.

5. Абу Муин Насафийнинг “Китабут тамҳид” асари. (159^б-203^а)

6. Муаллифи номаълум бўлган “Бурхонул ҳақоик” номли рисола.

7. Абул Ҳусайн Али ибн Абу Бакр Найсо-бурийнинг “Таҳзибу масоилул фиқҳ” номли асари.

“Лубобул калом”нинг бу нусхаси жуда қадимий қўлғезма бўлиб, унинг қўп ҳарфларига

нуқталари қўйилмаган. Нусха кўчирувчиси Али ибн Нажмиддиндир. Китобнинг кўчирилган санаси 702/1303 йилга бориб тақалади. Биз буни китобнинг энг сўнгги саҳифасида келган қайддан билиб олишимиз мумкин. Китоб муаллифининг исми матннинг аввалида, ҳамдала ва салавотдан сўнг зикр қилинган.

Б. “Лубобул калом”нинг иккинчи нусхаси ҳақида гапирадиган бўлсак, у Сулаймония кутубхонасида Шаҳид Али Пошо бўлимида 1704 рақами билан қайдланган мажмуа таркибидаги учинчи рисоладир. Мазкур мажмуа таркибида:

1. Нуриддин Собунийнинг “Китабул бидая фи усулид дин” (1^б-30^б),

2. “Васийяту Аби Ҳанифа” (30^а-32^а),

3. “Китабу тасҳиҳул эътиқод фи усулид дин” номи билан “Лубобул калом” асари (33^б-84^а),

4. “Китабул мухаммасот” (85^б-89^а),

5. Абу Мансур Мотуридийга мансуб деб айтиладиган “Китабу усулид дин” (90^б-102^а),

5. Али Бухорий қаламига мансуб “Шарҳул қасидатул ломия” (103^а-121^а)лар мавжуд.

Бу нусханнинг кўчирувчиси Юсуф ибн Байрамбек ибн Исмоил ибн Исо бўлиб, китоб 814/1412 йили кўчирилган.

Асар муқаддимасида муаллифнинг “*Ҳидоятан ли-л-мубтадий фи тасҳиҳи-л-эътиқод*” деб ёзишидан аён бўладики, у бу асарини эътиқодни соғломлаштириш, тузатиш йўлида дастлабки қадам ташлайдиганларни ҳидоят йўлига бошлаш мақсадида ёзган. Шу боисдан ҳам, у бу асарини ёзишда ҳанафий мазҳаби олимлари, айниқса, мотуридия эътиқодига қатъий равишда амал қилган.

“*Лубоб ал-калом*”нинг мазмуни ҳақида айтиш керакки, кўплаб бўлимлардан ташкил топган бу асарда, энг аввало, илм ва унинг турлари, илмнинг инсон ҳаёти ва жамиятдаги ўрни, ундан тўғри фойдаланилса, у яхшилик, эзгулик ва тараққиётга олиб келиши ҳақида ўз фикрларини билдиради. Ақидавий масалаларни ўрганадиган калом илми ҳақида ёзиб муаллиф уни барча илмлар ичида энг афзали деб кўрсатади. Ҳақиқий илм ва тўғри маълумотларга эга бўлиш, оламни билиш учун инсоннинг бешта сезги аъзолари, ишончли хабарлар берувчи манбалар (Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар) ҳамда инсоннинг ақл-идроки ва салоҳияти муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидлайди.

Асарда ақида масаласида залолатга кетган гуруҳлар жумладан, *қадарийлар, мўътазиллийлар,*

жабарийлар ва бошқа баъзи гуруҳларнинг асоссиз, ботил фикрларини танқид остига олади.

Аллоҳнинг сифатлари, нубувват, Қуръоннинг мўъжизалиги, бандаларнинг амаллари ва имонга оид бошқа масалалар ҳам асарда ўз аксини топган. Муаллиф ёзишича, аҳли сунна вал жамоа нуқтаи назаридан ислом ва имон бир нарса, имон зиёда ҳам бўлмайди, камаймайди ҳам, лекин камолига етишда унинг маълум чегараси бўлади.

Шунингдек, асарда охиратга оид қабр азоби, Сирот кўприги, қабр савол-жавоби, шафоат, шунингдек, калом илмида ҳозирги кунда ўз актуаллигини йўқотмаган имомат масалалари ҳам аҳли сунна нуқтаи назаридан талқин қилинган.

Усмандий ўзининг “Лубоб ал-калом” асарида калом илмига оид муҳим масалаларнинг таҳлилида, кўриниб турганидек, мотуридия ақидавий мазҳаби амал қилган тамойилларга таянган. Бу эса, ҳозирги ғоялар кураши авж олган бир даврда ажодларимиз қолдирган бой илмий-маънавий мерос халқимиз, хусусан, ёшларимизга муқаддас динимизнинг асл мазмун-моҳиятини тушунтириш, уларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, айниқса, ақидавий масалалар ҳақида баҳс юритувчи калом илмининг мотуридия йўналиши қарашларини баён қилиш, ботил даъволарни илгари сураётган айрим оқим ва фирқаларга ғоявий зарба беришда дастуруламал сифатида фойдаланиш учун муҳим омиллардан ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтилса, муаллиф ўз ғоялари ва фикрларини асарларида баён қилишда Қуръони карим ва ҳадиси шарифларга алоҳида эътибор қаратиш билан бир қаторда, мутақаддим ўтган улўғ олимлар, хусусан, буюк ватандошимиз Имом Абу Мансур Мотуридий ва Абу Муин Насафий каби ажодларимиз асарларидан кенг ва унумли фойдаланган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Kutlu S. Ebu Mensur al-Maturidi mezhebinin arka plani. Анқара: 2003.
2. Абу Муин Маймун ибн Муҳаммад Насафий. Табсиратул адилла фи усулид дин. Claude Salame таҳқиқи. Шом: 1992. Ж. I.
3. Kutlu S. Türklerin İslâmlaşma Sürecinde Mürcie ve Tesirleri. Ankara: 2018.
4. Абул Вафо Қураший. Жавоҳирул музийя фи табақотил ханафийя. (кейинги ўринларда – Қураший. Жавоҳирул музийя). – Қоҳира: Ҳижр, 1993. Ж. I.
5. Ибн Закариё Яҳё ибн Исҳоқ. Шарҳу жумали усулид дин ли Абу Салама Самарқандий.

Сулаймония кутубхонаси, Шаҳид Али Пошо бўлими, №1648/II.

6. Аширбек Мўминов-Anke Von Kuegelgen, Мотуридий даврида Самарқанд илоҳиётчилари. Имом ал-Бухорий сабоқлари. –Тошкент: 2003 №1.

7. Паздавий. Усулид дин.

8. Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Ануш ибн Иброҳим ибн Муҳаммад Ҳосирий Бухорий. ал-Ҳовий фил фатово. Сулаймония кутубхонаси, Ҳақимўғли Али Пошо бўлими, № 402.

9. Насафий. Қанд.

10. Оқилов С. Абу-л-Муин ан-Насафий илмий мероси ва Мотуридия таълимоти. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2008.

11. Van Ess Josef. Theologie und Gesellschaft im 2. Und 3. Jahrhundert Hidschra. Eine Geschichte des religiösen Denkens im frühen Islam. I-VI. Berlin, New York, 1991-1996. T. V.

12. Hans Peter Linss. Probleme der islamischen Dogmatik. 1991.

13. Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази қўлёзмаси №3907.

14. Bernand, Marie. Le Muḥtaṣar fi bayān al-ʿitqād // Annales Islamologiques, Tome XVIII, Institut Français d'Archéologie orientale du Caire, 1982.

15. Carl Brockelmann. GAL. (History of the Arabic Written Tradition Supplement). Vol. 1. – Leiden-Boston, 1902.

16. Қураший. ал-Жавоҳир ал-музийя. – Байрут: Муассасату-р-рисола, 1993. Т.2.

17. Абу Саъд Абду-л-Карим ас-Самъоний. Насабнома. (Арабчадан Абдулғаффор Раззоқ таржимаси). Ж.1. – Бухоро: Бухоро, 1999.

18. Абдуллоҳ Абд ал-Ҳамид Саад. Ўрта Осиё олимлари қомуси. – Т.: Имом Бухорий Республика илмий-маърифий маркази, 2007.

19. Атаев М. Жиззах алломалари. – Tjirtyn Adib, 2014.

20. Узерварли Др. Муҳаммад Саид. Алоуддин Усмандий ва унинг Лубоб ал-калом асари. – Истанбул: ISAM yayınları, 2005.

21. Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид Усмандий. Тарикат ал-хилоф фи ал-фикҳ байн ал-аиммат ал-аслаф. Др. Муҳаммад Закий Абдулбарр таҳқиқи ва тадқиқи. – Қоҳира: Дору-т-турос, 2-нашр, 2007.

22. Алоу-л-олам Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид ал-Усмандий ас-Самарқандий ал-Ҳанафий. Базл ан-назари фи усул ал-фикҳ. Шайх Аҳмад Фарид Мазидий таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2015.

23. Шайх Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид ас-Самарқандий. ал-Мийзон фи усул ал-фикҳ. Др.

Навзат Содиқ Сулаймон таҳқиқи. – Уммон: Дор Дажла, 2009.

24. Абу Лайс ас-Самарқандий. Мухталаф ар-ривоя. Алоу-л-Олам ас-Самарқандий ривояти ва тартиби. Др. Абдурраҳмон ибн Муборак ал-Фараж таҳқиқи. – Байрут: Мактаба ар-рушд, 2005.

25. Алоуддин Муҳаммад ибн Абд ал-Ҳамид Абу ал-Фатҳ Ал-Усмандий ас-Самарқандий. Тарикат ал-хилоф байн ал-аслоф. Шайх Али Муҳаммад Муъавваз ва Шайх Одил Аҳмад Абдулмавжуд таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмий, 1992.

26. Шайх А. Мансур. Ҳидоят. 2013/1.

27. Деххудо. Луғатнома. «ح» ҳарфи томи. – Техрон: 1338/1970.


28. Кафавий. Китоб у-аълومي-л-ахёр. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази. №91-ашёвий рақамли қўлёзма/ Лакнавий. Ал-Фавоид ал-бахийя. – Қозон: Магбаат ал-хизона, 1903.

29. Қориев О.А. Фарғона фикҳ мактаби ва Бурҳониддин ал-Марғиноний. –Т.: Фан, 2009.

30. Насафий Абу Ҳафс Умар. Тилбат ат-талаба фи истилоҳот ал-фикҳийя. Ж. 1.

31. Қураший. ал-Жавохир ал-музийя. – Байрут: Муассасату-р-рисола, 1993.

32. Ramazan Şeşen. Mukhtarar min al-Makhtutat al-Arabiyyat al-Nadira fi Maktabat Türkiye. Ж.2. – İstanbul: IRCICA, 1997.



Маъмуржон ЭРКАЕВ*

*Ўзбекистон ҳақаро ислом академияси,
таянч докторанти*

**ҚУРЪОНДА ИЖАРА ШАРТНОМАСИ
БИЛАН БОҒЛИҚ ОЯТЛАР ТАҲЛИЛИ**

**ANALYSIS OF THE VERSES RELATED TO
THE LEASE (IJARA) AGREEMENT IN THE
QUR'AN**

**АНАЛИЗ АЯТОВ КОРАНА, КАСАЮЩИХСЯ
ДОГОВОРА АРЕНДЫ (ИДЖАРА)**

Калит сўзлар: *ижара, эваз, ақд, фазл, маҳр, никоҳ, талоқ, эмизиш, тижорат, касб.*

Keywords: *lease, exchange, contract, fadhl, dowry, marriage, divorce, breastfeeding, trade, profession.*

Ключевые слова: *аренда, обмен, договор, фадхль, приданое, брак, развод, грудное вскармливание, торговля, профессия.*

Кириш

Ислом ҳуқуқшунослигида ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга оид масалалар асосан фикҳ ва фатво жанрида ёзилган адабиётлар асосида ўрганилади. Мазкур икки жанрда ёритилган масалаларнинг барчаси Қуръон, ҳадис ва уламолар ижмоси асосида шакллантирилган. Мавзуга доир Қуръон оятлари тўғрисида нафақат ислом оламида, шу жумладан Мовароуннаҳрда яшаб ижод қилган муфассирларнинг қарашлари ҳамда уларнинг тафсир фанига оид бир қатор асарларида ижара шартномалари билан боғлиқ фикҳий қоидаларни ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этди.

Ижара, яъни бирор нарсани муайян миқдордаги эваз баробарига вақтинча фойдаланиш учун бериш ёки олиш борасида ҳуқуқий маданиятни тартибга солиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Зеро, ижара масалалари инсонлар томонидан энг кўп мурожаат қилинадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар сирасига киради. Демак, унинг ҳуқуқий жиҳатларини ёритиш, таҳлил

*M.Erkayev – Doctoral student of the International Islamic Academy of Uzbekistan.